

ХУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бекчанов Даврон Машарипович

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги

Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси доценти,

Юридик фанлари бўйича PhD.

davronmb@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18830484>

Аннотация

Ушбу тезисда ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш самарадорлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббускорлиги, институционал салоҳияти, молиявий ваколатлари ва натижага йўналтирилган бошқарув маданиятига боғлиқлиги асосланади. Ижро интизومي ва мониторингдаги муаммолар таҳлил қилиниб, маҳаллий бошқарувни кучайтиришга қаратилган бешта ташкилий-институционал таклиф баён этилади.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳудудий ривожланиш, номарказлаштириш, маҳаллий бюджет, мониторинг, ҳисобдорлик, инвестиция, экспорт.

Аннотация

В тезисе обоснована зависимость эффективности регионального экономического развития от инициативности, институционального потенциала, финансовых полномочий и результативной управленческой культуры местных органов власти. Проанализированы проблемы исполнения программ и мониторинга, предложены пять организационно-институциональных мер по усилению местного управления.

Ключевые слова: местные органы власти, региональное развитие, децентрализация, местный бюджет, мониторинг, подотчётность, инвестиции, экспорт.

Abstract

This thesis argues that the effectiveness of regional economic development depends on the initiative, institutional capacity, financial powers, and results-oriented management culture of local government bodies. It examines key implementation and monitoring gaps and proposes five organizational and institutional measures to strengthen local governance.

Keywords: local government, regional development, decentralization, local budget, monitoring, accountability, investment, export.

Худудларни барқарор иқтисодий ривожлантириш ва худудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни қисқартириш миллий тараққиётнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифанинг амалий ечими, аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий сиёсатни режалаштириш, ресурсларни сафарбар этиш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инфратузилма ва хизматлар сифатини ошириш бўйича ташаббускорлиги ҳамда бошқарув салоҳиятига боғлиқ. Шу сабабли маҳаллий бошқарувнинг институционал имкониятлари, молиявий ваколатлари ва натижага йўналтирилган бошқарув

маданиятини кучайтириш, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг самарадор механизмларини шакллантириш нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу тезисда тадқиқот доирасида ўтказилган назарий таҳлил ва амалий диагностика натижаларига таянилган ҳолда ҳудудий иқтисодий ривожланиш самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар ва амалиётда кузатилаётган институционал тўсиқлар умумлаштирилади. Шунингдек, стратегия ва дастурлар ижросини таъминлашда мониторинг, ҳисобдорлик ва очиқлик механизмларининг ўрни, шу билан бирга номарказлаштириш шароитида ваколат, ресурс ва жавобгарлик мувозанатига боғлиқ муаммолар таҳлил қилинади. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган ташкилий-институционал ечимлар ва амалий таклифлар тизимли тарзда баён этилади.

Тадқиқот натижалари ҳудуд иқтисодиёти самарадорлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббускорлиги, институционал салоҳияти, молиявий ваколатлари ва натижага йўналтирилган бошқарув маданияти билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг мақоми ва ваколатлари қонунларда белгилаб қўйилган¹. Бироқ амалиётда ҳудудларнинг иқтисодий имкониятлари ва натижалари ҳар хил бўлгани учун қарор қабул қилиш ресурслари, кадрлар компетенцияси ва бошқарув инструментлари сифати ҳам ҳудудлар бўйича фарқ қилади. Хусусан, маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлиги ва харажат мажбуриятлари билан даромад ваколатлари ўртасидаги номуносиблик трансфертларга юқори боғлиқликни кучайтиради ҳамда маҳаллий ташаббусни чеклайди².

Иккинчи муҳим хулоса шуки, стратегия ва дастурлар қабул қилиниши ўз-ўзидан натижа бермайди, чунки ижро интизоми, далилга асосланган мониторинг, очиқ маълумотлар ва жамоатчилик иштирокисиз дастурлар ижросини барқарор таъминлаш қийин. Давлат органлари фаолияти очиқлиги ва жамоатчилик назорати бўйича ҳуқуқий нормалар ахборот ошкоралиги ҳамда жамоатчилик назоратни институционаллаштиришга асос яратади³, бироқ амалда индикаторлар матрицаси, ягона ҳисобот форматлари, аудит-назорат амалиёти ва қарорларнинг очиқ муҳокамаси тизимли йўлга қўйилмаган жойларда кечикишлар, ресурсларни номақсадли сарфлаш хавфи ва ишончнинг пасайиши кузатилади. Шу нуқтаи назардан, номарказлаштириш жараёнларида ваколат, ресурс ва ҳисобдорлик механизмларини бир вақтда мувозанатлаштириш ҳамда натижага йўналтирилган бошқарувни стандартлаштириш халқаро тавсияларга мос келади⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томонидламиздан қуйидаги беш йўналишда таклифлар шакллантирилди: 1) Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ҳудудлар учун диагностика, стратегия ишлаб чиқиш, мониторинг ва амалий маслаҳат хизматларини

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2025 й., № ПФ-98 сонли “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони

³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни

⁴ OECD. Making Decentralisation Work: A Handbook for Policy-Makers. Paris: OECD Publishing, 2019. 206 p.

кўрсатадиган илмий-амалий маслаҳат марказини ташкил этиш; 2) маҳаллий ҳокимиятлар ҳузурида драйвер тармоқлардаги кичик ва ўрта бизнесни улуш асосида молиялаштириш ҳамда бошқарув, маркетинг, технология ва кадрлар бўйича қўллаб-қувватлайдиган инвестиция ва маслаҳат жамғармаларини жорий этиш; 3) хусусий сектор билан шерикликда ташқи бозорларда ҳудуд маҳсулотларини илгари суришга ихтисослашган савдо уйлари ва экспорт сервисларини ташкил этиш; 4) маҳаллий Кенгашлар ҳузурида ҳудудий дастурлар ижроси бўйича доимий назорат комиссиясини жорий этиб, индикаторлар матрицаси, очиқ ҳисобот ва очиқ маълумотлар реестрини мажбурий йўлга қўйиш; 5) иқтисодий блок ходимлари учун ҳудуд эҳтиёжларига мос компетенциялар харитаси ва йиллик малака ошириш режасини маҳаллий даражада шакллантириш, шу билан бирга кадр танлашда номзодларнинг дастурий мажбуриятларини Кенгашда очиқ тақдим этиш амалиётини институционаллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббускорлиги, институционал салоҳияти, молиявий ваколатлари ва натижага йўналтирилган бошқарув маданияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини тасдиқлади. Ҳудудлар кесимида иқтисодий имкониятлар ва натижаларнинг фарқи бўлиши маҳаллий даражада қарор қабул қилиш ресурслари ва бошқарув инструментлари сифатига бевосита таъсир кўрсатиб, айниқса молиявий мустақилликнинг чекланганлиги маҳаллий ташаббусни сусайтириши аниқланди. Шу билан бирга, қабул қилинаётган стратегия ва дастурлар ижроси кўп ҳолларда ижро интизоми, далилга асосланган мониторинг, очиқ маълумотлар ва жамоатчилик иштирокини таъминловчи механизмлар етарлича институционаллашмагани сабабли кутилган натижани бермаётгани кузатилди.

Шу асосда тақлиф этилган ташкилий-институционал ечимлар маҳаллий бошқарувнинг амалий қувватини бир вақтнинг ўзида уч йўналишда кучайтиришга қаратилган: қарор қабул қилиш сифатини ошириш (диагностика, стратегия, маслаҳат), иқтисодий фаолликни рағбатлантириш (инвестиция ва маслаҳат жамғармалари, экспорт сервислари), ҳамда ҳисобдорлик ва шаффофликни мустаҳкамлаш (доимий назорат комиссияси, индикаторлар матрицаси, очиқ ҳисобот ва реестрлар). Ушбу чора-тадбирлар амалда босқичма-босқич жорий этилганда маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудуд эҳтиёжларига тезкор ва манзилли жавоб бериш қобилияти ошади, тадбиркорлик ва экспорт фаоллиги кенгайди, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва аҳоли ишончи мустаҳкамланади. Натижада ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутларни қисқартириш, барқарор иш ўринлари яратиш ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаш учун институционал асослар янада мустаҳкамланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида. 02.09.1993 й., № 913-XII. – Тошкент, 1993. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар

- ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 23.06.2025 й., № ПФ-98. – Тошкент, 2025. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 26.12.2013 й. – Тошкент, 2013. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида. 05.05.2014 й., № ЎРҚ-369. – Тошкент, 2014. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Жамоатчилик назорати тўғрисида. 12.04.2018 й., № ЎРҚ-474. – Тошкент, 2018. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.
6. OECD. Making Decentralisation Work: A Handbook for Policy-Makers. – Paris: OECD Publishing, 2019. – 206 p. – Электрон ресурс. – Мурожаат санаси: 27.02.2026.